



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 23 » aprel

№ 255

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 сентябрдаги ПФ–151-сон Фармони ҳамда “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–344-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 сентябрдаги ПФ–151-сон Фармонига мувофиқ:

захирадаги ер участкаларида янги боғлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ишлаб чиқадиган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ Агентлик ёки у танлаган тадбиркорлик субъектлари томонидан барпо этилиши;

захирадаги ер участкалари янги боғларни барпо этиш учун Агентликка ёки у танлаган тадбиркорлик субъектига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан ажратилиши, бунда инвестиция лойиҳасининг қиймати 10 миллион АҚШ долларидан кам бўлишига, энг яхши таклифни танлаш бўйича танлов ўтказилмаслигига, олдиндан махсус ҳисобвараққа пул жойлаштирмасдан ҳамда ер участкаларининг аниқ рўйхатини ер ижараси шартномаларида белгилаш шarti билан ер участкаларини реализация қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилгани;

захирадаги ер участкаларини ижарага олган тадбиркорлик субъектлари Агентлик томонидан ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосларда белгиланган шартларга мувофиқ янги боғларни барпо этиш мажбуриятини

олиши, янги боғларни барпо этишда Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан фойдаланилмайдиган тақдирда, уларга фақат техник шарт берилиши;

Агентлик ўзига ижара ҳуқуқи билан ажратилган ер участкаларини тўғридан-тўғри шартномалар асосида тадбиркорлик субъектларига қайта ижарага бериш ҳуқуқи берилгани **маълумот учун қабул қилинсин.**

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ;

Республика ҳудудларида саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ;

Республикада янги боғларни барпо этишни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари орқали молиялаштириш тўғрисидаги низом **4-иловага** мувофиқ;

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низом **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг Агентликка ижара ҳуқуқи асосида ажратилиши ҳамда ушбу ер участкаларини Агентлик томонидан тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларига қайта ижарага бериш тартибини белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар;

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунига Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳисобидан замонавий иссиқхоналарни ташкил этиш ҳамда майдони 1 гектар ва ундан ортиқ бўлган янги боғлар барпо этиш лойиҳалари бўйича Агентлик томонидан бериладиган хулосани рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар турига киритиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **6-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **7-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Агентлик республикада агросаноат соҳасида бозор механизмларини жорий этиш орқали саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва тоқзорларни (кейинги ўринларда – янги боғлар) барпо қилиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, боғдорчилик соҳаси ва иссиқхона хўжалигида бошқарув ва уларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ресурс-тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга кўмаклашиш соҳасида республика ижро этувчи ҳокимияти органи ҳисобланади.

3. Агентлик ўз фаолияти бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳисобот беради.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруқларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

6. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги;

қисқартирилган номи – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по развитию агропромышленности при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Агентство развития агропромышленности;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – The Agroindustry Development Agency under the Ministry of Agriculture of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – The Agroindustry Development Agency.

7. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100006, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли мавзеси 42-уй.

## **2-боб. Агентлик тузилмаси**

8. Агентликнинг тузилмасига қуйидагилар киради:

Агентлик марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари;

туманлар (Кувасой шаҳар) лойиҳа офислари;

“Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш маркази” ДУК;

“UZAGROLOGISTICS CENTERS” МЧЖ;

“AGROSANOAT INNOVATORLARI” МЧЖ (кўчат етиштиришга ихтисослаштирилган ва кўргазмали дала майдонларини ташкил этадиган корхона).

## **3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

9. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

интенсив (сермахсул) мевачилик, узумчилик, иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашишга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш;

замонавий ресурс-тежамкор технологияларни, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив (сермахсул) боғ ҳамда иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш чораларини кўриш;

худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва инновацион агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни саноатлаштириш, шунингдек, мевали боғ ва узумзорларни тайёр ҳолда барпо этиш ҳамда уларни ташаббускорларга сотиш чораларини кўриш, шунингдек, янги

боғлар ораларига қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва улардан самарали фойдаланилишини ташкил этиш;

соҳада “даладан дастурхонгача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга кўмаклашиш, шунингдек, мева ва узум маҳсулотларини етиштирувчи субъектларни ривожлантириш ҳамда халқаро стандарт талабларини жорий этишга кўмаклашиш;

“In-vitro” лабораторияларида кафолатланган, вирусдан холи бўлган кўчатлар етиштиришни рағбатлантириш механизмини ҳамда кўчатларни сертификатлаштириш тизимини йўлга қўйиш;

мева ва узум навларининг миллий брендларини яратиш чораларини кўриш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, миллий брендларни тарғиб қилиш, хорижий мутахассисларни жалб этиш, ташқи бозорларга чиқиш, экспорт географияси ва маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

интенсив (серҳосил) боғдорчилик, узумчилик ва ҳимояланган жойларда сабзавотчилик бўйича замонавий билим ва тажрибаларни татбиқ қилиш ишларини ташкил этиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш мақсадида Агентлик расмий веб-сайтида янги боғларни барпо этиш мақсадидаги очик электрон танловларни, кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик ёки “In-vitro” лабораториялари ҳамда ташкил этилган янги боғларнинг реестрини, малакали агрономлар ва импорт қилишда божхона божларидан озод этиладиган мевали кўчатлар ва пайвантаглар, пайвандустлари, оналик материаллари рўйхатини, балли баҳолаш тизими бўйича мева ва узум маҳсулотлари етиштирувчилар рейтингини эълон қилиб бориш.

10. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) интенсив (серҳосил) мевачилик, узумчилик, иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашишга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш соҳасида:

хатловдан ўтказиш натижасида аниқланган самарасиз ҳамда эскирган боғ ва токзорларнинг ер майдонлари ўрнида ҳамда янги ўзлаштириладиган қир-адир ва яйлов майдонлари ўрганилиб, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар ташкил этиш учун мақсадли комплекс дастурлар ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари тасарруфидаги мавжуд мевали боғ ва токзорларни ҳамда иссиқхона хўжаликларини ҳар йили 1 октябргача хатловдан ўтказиб, самарасиз ҳамда эскирган боғ ва токзорлар рўйхатини шакллантириш;

мевачилик, узумчилик, иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантириш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга доимий равишда кўмаклашиб бориш;

б) замонавий ресурс-тежамкор технологияларни, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаган ҳолда интенсив (серҳосил) боғ ҳамда иссиқхона хўжаликлари майдонларини кенгайтириш чораларини кўриш соҳасида:

паст ҳосилли пахта ва ғалла ер майдонлари, тоғолди, қир-адирликлар, шунингдек, самарасиз ҳамда эскирган боғ ва токзорлар ўрнига саноатлашган интенсив (серҳосил) боғ, токзорлар ва иссиқхона хўжаликларини барпо этиш чораларини кўриш;

янги боғларни барпо қилиш учун ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, мева ва узум навларини инобатга олган ҳолда, лойиҳанинг пулли техник-иқтисодий асослари ёки бепул техник шартини ишлаб чиқиш;

замонавий ресурс-тежамкор технологияларни, шу жумладан, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимларини қўллаш ҳамда янги боғлар барпо этишда кўмаклашиш;

в) ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва инновацион агротехнологиялардан кенг фойдаланишни ташкил этиш соҳасида:

тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган мева ва узум навларини жойлаштириш ҳамда етиштириш бўйича соҳа олимлари билан биргаликда тавсиялар ишлаб чиқиш;

тавсиялар асосида илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва инновацион агротехнологиялардан кенг фойдаланишни жорий этиш учун ҳудудларда кўргазмали ўқув-семинарлари ва тренингларни мунтазам ўтказиб бориш;

г) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни саноатлаштириш, шунингдек, мевали боғ ва узумзорларни тайёр ҳолда ташаббускорларга сотиш чораларини кўриш, шунингдек, янги боғлар ораларига қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши ҳамда улардан самарали фойдаланилишини ташкил этиш соҳасида:

ресурс-тежамкор технологиялар тизимини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни саноатлаштириш;

мевали боғ ва узумзорларни тайёр ҳолда ташаббускорларга сотиш чораларини кўриш;

янги боғлар қатор орасидан самарали фойдаланиш, кўчатларга салбий таъсир қилмайдиган қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, жойларга етказиш ва мониторинг қилиш;

янги боғлар ораларига қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини ва самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича соҳа олимлари билан биргаликда тавсиялар ишлаб чиқиш;

д) соҳада “даладан дастурхонгача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига кўмаклашиш, шунингдек, мева ва узум маҳсулотларини етиштирувчи субъектларни ривожлантириш ҳамда халқаро стандарт талабларини жорий этишга кўмаклашиш соҳасида:

янги боғлар барпо этиш, боғ ва иссиқхоналарда сифатли маҳсулотларни етиштириш ҳамда ташқи бозорга экспорт қилишга кўмаклашиш;

аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун “даладан дастурхонгача” тамойили асосида қўшилган қиймат занжирини жорий қилиш;

мева ва узум маҳсулотларини етиштирувчи субъектларни ривожлантириш ҳамда халқаро стандарт талабларини жорий этишга кўмаклашиш;

е) “In-vitro” лабораторияларида кафолатланган, вирусдан холи бўлган кўчатлар етиштиришни рағбатлантириш механизмини ҳамда кўчатларни сертификатлаштириш тизимини йўлга қўйиш соҳасида:

“In-vitro” усулида яратилган мевали пайвандтагли кўчатларни сотиб олиш харажатларини субсидиялаш чораларини кўриб бориш;

“In-vitro” лаборатория шароитидан чиққан ва пайвандланган кўчатзорларнинг оналик боғлари ҳамда мевали ва узум кўчатчилик хўжаликлари реестрини шакллантириш ва юритиш;

кўчат етиштирувчи хўжаликлар етиштирилган барча кўчатларини турлари ва навлари бўйича “Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш маркази” ДУК ҳамда тегишли ташкилотлар билан биргаликда сертификатлаштириш тизимини йўлга қўйиш ва мунтазам равишда юритиш;

ж) мева ва узум навларининг миллий брендини яратиш чораларини кўриш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, миллий брендларни тарғиб қилиш, хорижий мутахассисларни жалб этиш, ташқи бозорларга чиқиш, экспорт географияси ва маҳсулот турларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш соҳасида:

мева ва узумларнинг жаҳон андозаларига мос келадиган янги навларининг миллий брендини яратишга кўмаклашиш, уларни тарғиб қилиш ҳамда мазкур соҳада илмий-тадқиқот институтлари ва хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш;

мева ва узумларни сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тарқатиш; маҳаллий ва хорижий компания ёки уларнинг мутахассисларини жалб этган ҳолда мева ва узумларни қайта ишлаш бўйича маҳсулотлар миллий брендини яратиш ва уларни тарғиб қилишга кўмаклашиш;

миллий брендларни ташқи бозорларга чиқариш ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтириш ва ушбу маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш;

з) интенсив (серҳосил) боғдорчилик, узумчилик ва ҳимояланган жойларда сабзавотчилик бўйича замонавий билим ва тажрибаларни татбиқ қилиш ишларини ташкил этиш соҳасида:

интенсив (серҳосил) боғ, узумзор ва иссиқхона хўжалиklarини юритишда юқори самарадорликка эришган хорижий мамлакатлар тажрибасини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

замонавий технологиялар асосида ҳудудларда саноатлашган янги интенсив (серҳосил) боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалиklarини ташкил этиш учун илмий асосланган таклифларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш;

интенсив (серҳосил) боғ, узумзор ва иссиқхона хўжалиklarига хорижий мутахассислар ва соҳа олимлари билан биргаликда илмий асосланган янгиликларни жорий қилиш;

и) фермер ва деҳқон хўжалиklarига ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш мақсадида Агентлик расмий веб-сайтида янги боғларни барпо этиш мақсадидаги очиқ электрон танловларни, кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик ёки “In-vitro” лабораториялари ҳамда янги ташкил этилган боғ ва тоқзорларнинг реестрини, малакали агрономлар ва импорт қилишда божхона божларидан озод этиладиган мевали кўчатлар ва пайвантаглар, пайвандустлари, оналик материаллари рўйхатини, балли баҳолаш тизими бўйича мева ва узум маҳсулотлари етиштирувчилар рейтингини эълон қилиб бориш соҳасида:

“In-vitro” лабораториялари ҳамда янги ташкил этилган боғларнинг реестрини юритиш;

республикадаги малакали агрономлар рўйхатини шакллантириш ва уларни Агентлик веб-сайтида эълон қилиб бориш;

импорт қилишда божхона божларидан озод этиладиган мевали кўчатлар, пайвантаглар, пайвандустлар ва оналик материаллари рўйхатини шакллантириш ва юритиш;

мева ва узум маҳсулотларини етиштирувчи хўжалиklarнинг рейтингини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш, юритиш ва мунтазам равишда эълон қилиб бориш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **4-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Агентлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

Агентлик ходимлари томонидан боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона соҳасидаги асосий кўрсаткичларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда ходимларни белгиланган тартибда моддий рағбатлантириш;

статистика органларидан зарур статистик маълумотларни бепул олиш;

Агентлик ўзига ижара ҳуқуқи билан ажратилган ер участкаларини тўғридан-тўғри шартномалар асосида тадбиркорлик субъектларига қайта ижарага бериш;

илмий, консалтинг ва аудит ташкилотларини, олим, агроном, мутахассислар, хорижий олимлар, хорижий агроном ва мутахассисларни Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилишга шартнома, шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий турдаги шартномалар асосида жалб қилиш;

хорижий давлатларнинг соҳага оид ташкилотлари билан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиш ва шартномалар тузиш;

Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича хорижий инвесторлар, компаниялар, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари, халқаро молия институтлари билан учрашувлар ўтказиш, музокаралар олиб бориш ва ёзишмалар юритиш;

битим ва келишувлар асосида жисмоний ва юридик шахслар билан боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги соҳасида ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш;

малакали, шу жумладан, чет эллик, мутахассисларни жалб этган ҳолда Агентлик фаолияти бўйича кўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ўқув курсларини ташкил қилиш;

фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда тадбиркорлар учун Ўзбекистон Республикасида ва хорижда тренинглари, семинарлар ва бошқа таълим дастурларини ташкил этиш;

Агентлик фаолияти бўйича соҳада жорий ва стратегик вазифалар, олиб борилаётган ишлар ва эришилган натижаларни ёритиш, услубий қўлланмалар ва буклетларни нашр қилиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

ижарага берилган ер участкаларида янги боғларни барпо этишнинг техник-иқтисодий асосларида белгиланган суғориш тизимларини жорий этиш ва ер майдонларини экишга тайёрлаш, кўчат экиш ишларини мониторинг қилиш, шунингдек, мазкур ишлар 14 ой муддатда тўлиқ бажарилмаганда, ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, уларнинг ер участкалари, боғларнинг ҳолати, барпо қилинган вақти ва бошқа кўрсаткичларни ўз ичига олган боғ ва токзорларнинг ягона электрон харитасини эълон қилиб бориш;

мониторинг натижасида боғлар ва иссиқхоналардан самарасиз ҳамда ноқонуний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш, ўзбошимчалик билан бузиб ташлаш ҳолатлари аниқланганда, белгиланган муддатларда ер майдонларини қайтариб олиш ҳамда келтирилган зарарни қоплаш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ёки назорат органларига маълумотларни киритиб бориш.

#### 12. Агентлик:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали амалга оширилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг топшириқларини ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради.

### **5-боб. Агентлик фаолиятини ташкил қилиш**

13. Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

14. Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинландиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Агентлик директори бўлмаган даврда, директор вазифасини унинг биринчи ўринбосари бажаради.

Агентлик директори ва директорнинг биринчи ўринбосари бўлмаган даврда, директор вазифасини Агентлик директори ўринбосари бажаради.

### **6-боб. Агентлик директори ва таркибий бўлинмаларининг асосий функционал вазифалари**

15. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буйруқлари ва топшириқлари ижроси таъминланиши ҳамда мониторинги юритилишининг амалий тизимини ташкил этиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил қилиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Агентлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Ўз ваколати доирасида Агентлик тизими ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Агентлик марказий аппаратининг харажатлар сметаси ва штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва тизимидаги ташкилотлар тузилмасига штат бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Агентлик директори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин.

16. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари қуйидагилардан иборат:

Агентлик раҳбариятининг топшириқлари тўлиқ бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таркибий бўлинма тўғрисидаги низом доирасида аниқ йўналишлардаги вазифаларнинг юқори сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таркибий ва ҳудудий бўлинма ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чоралар кўриш ҳамда топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

тизим ташкилотлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини мунтазам равишда таҳлил қилиш.

Агентлик таркибий бўлинмалари бошқа функционал вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

#### **7-боб. Агентлик раҳбарининг жавобгарлиги**

17. Агентлик директори:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Агентликнинг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларининг мақсадли сарфланиши;

ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ўз вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

#### **8-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминоти, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

18. Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбаларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

вақтинча бўш турган маблағлар ҳисобидан тижорат банкларнинг депозитига жойлаштирилган ресурсларнинг қайтишидан ва улардан тушадиган фоиз маблағлари;

халқаро молия институтлари кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;  
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

Агентлик томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

Жамғарма маблағлари;

Агентликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

19. Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари ҳамда шартнома асосида жалб қилинган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва уларнинг кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устамалар (рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда), моддий ёрдам кўрсатиш, лавозим маошига белгиланган коэффицентлар, шунингдек, қўшимча ҳақ, устамалар, мукофотлар, ижтимоий ва бошқа тўловлар, идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини амалга ошириш ва марказий аппарат таъминоти билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ва ундан ажратиладиган трансферт ҳамда Жамғарма маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари ҳамда шартнома асосида жалб қилинган мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартлари:

а) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан:

Ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган разрядларга мувофиқ лавозим маоши;

Агентлик марказий аппарати ҳамда ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентларини 1,4 баробарга ошириш миқдори;

лавозим маошининг 40 фоизи миқдорида устама (меҳнатни рағбатлантириш коэффициентини);

йилда бир марта ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

ўз вазифаларини виждонан, шунингдек, алоҳида муҳим ва масъулиятли ишларни бажараётган ходимларни икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида мукофот;

кўп йиллик хизмати учун лавозим маошига 20 фоиздан 100 фоизгача миқдорда устама тўланади. Бунда:

1 йилдан 5 йилгача – 20 фоиз;

5 йилдан 10 йилгача – 30 фоиз;

10 йилдан 15 йилгача – 40 фоиз;

15 йилдан 20 йилгача – 60 фоиз;

20 йилдан 25 йилгача – 80 фоиз;

25 йилдан ортиқ – 100 фоиз.

б) ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан:

Агентлик марказий аппарати ходимларига ўз хизмат вазифаларини виждонан бажарганликлари учун Агентлик директори томонидан лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 300 фоизгача ҳамда ҳудудий бўлинмалари ходимларига 200 фоизгача миқдорда ҳар ойлик устамалар;

алоҳида ўрнатилган кўрсатилган Агентлик марказий аппарати ходимларига лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) 100 фоизгача миқдорда ойлик устамалар;

ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) транспорт харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаригача миқдорида ва овқатланиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаригача миқдорида тўловлар;

Агентлик ва унинг тизимидаги ходимлар расман байрам деб эълон қилинган (1 январь – Янги йил, 8 март – Хотин-қизлар куни, 21 март – Наврўз байрами, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, 1 сентябрь – Мустақиллик куни, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, диний байрамлар Рўза ҳайити (Ийд-ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд-ал-Адҳа)) кунлар ҳамда кишлоқ хўжалиги ходимларининг касб байрамлари муносабати билан лавозим маошининг (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда) икки баробари миқдорида мукофот;

фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик лавозим маошига (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда) 10 фоизгача устамалар белгиланади;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик лавозим маошига (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда) 5 фоизгача устамалар;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун ходимларга бир йилда бир маротаба базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаригача бўлган миқдорда тўловлар.

Заруратга кўра касаба уюшмаси ташкилоти билан келишилган ҳолда ходимлар ва (ёки) уларнинг оила аъзоларига куйидаги ҳолатларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаригача бўлган миқдорда моддий ёрдам тўлаб берилади:

ходим вафот этганда – бунда моддий ёрдам хотинига (эрига) тўлаб берилади, агар ходимнинг хотини (эри) бўлмаса, моддий ёрдам фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлари ва ҳомийларига) ёхуд уларнинг вояга етмаган фарзандларини асраб олган шахсларга тўлаб берилади, шунингдек, ходим турмуш қурмаган бўлса, моддий ёрдам ота-онаси ёки боқимандалар ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

яқин қариндоши вафот этганда (ота, она, турмуш ўртоғи, фарзанди) – вафоти тўғрисида гувоҳнома нусхаси тақдим этилганда.

Бунда Жамғарма маблағлари ҳисобидан сақланиши белгиланган штат бирликлари (мазкур штат бирликларига ушбу банднинг “а” ва “б” кичик бандларида назарда тутилган барча тўловлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан тўланади) молиялаштирилади.

20. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган Агентликнинг жалб этилган ходимлари, экспертлари ва маслаҳатчилари хизматларига тузилган шартнома шартларига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Бунда уларнинг рағбатлантирувчи устама ва қўшимча тўловлари Агентлик директори томонидан имзоланадиган жамоа келишуви ва меҳнат шартномаларга мувофиқ тўланади.

### **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги  
Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни  
ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат  
мақсадли жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) бошқариш тартибини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилади ҳамда унинг маблағлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

3. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг қолдиқ маблағлари ҳамда аввал ажратилган ресурсларнинг (ссуда, субсидиялардан қайтган қарзлар) қайтишидан тушадиган маблағлар, хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитига жойлаштириш ҳисобидан тушадиган фоизлар;

Агентлик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ яратиладиган янги боғ ва токзорлардан ундириладиган бир марталик йиғимлар;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ва ссудалар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

“тайёр ҳолда барпо этиш” тамойилига асосан ташаббускорларга лизинг асосида очик электрон аукцион савдолари орқали боғ ва токзорларни сотишдан тушган тушумлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

### **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

#### **4. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:**

саноатлашган боғдорчилик, резаворчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш, шу жумладан, янги лимонзорларни барпо этиш ва лимон кўчатларини харид қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Жамғармадан берилиши кўзда тутилган субсидияларни бериш;

саноатлашган боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхоначилик соҳаларидаги мутахассислар ва консультантларни жалб этиш, шунингдек, Агентлик ходимлари, интенсив (сермахсул) боғ ва узумчилик ҳамда иссиқхона хўжаликлари эгаларини касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Агентликда фаолият юритаётган ходимларнинг хизмат сафарлари харажатларини молиялаштириш, ойлик иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар, шу жумладан, устамалар, мукофотлар, қўшимча ҳақ, компенсациялар ва бошқа барча турдаги тўловларни тўлаш (рағбатлантирувчи коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда);

республикада етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тарғиб қилиш бўйича конференциялар, семинарлар, тренинглар, маҳорат дарслари, фестиваллар, кўргазмалар, ярмаркаларда иштирок этиш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, ходимларнинг хорижий мамлакатларда ва таълим муассасаларида тажриба орттиришларини ташкил этиш, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш;

маҳаллий ташкилотлар ва халқаро ташкилотларда аъзолик бадалларини ва бошқа бадалларни тўлаш;

боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва маркетинг билан боғлиқ илмий лойиҳаларни молиялаштириш;

Агентликнинг интенсив (сермахсул) мевали боғ ва узумзорларини барпо қилиш ва қайта ишлаш соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс мақсадли дастурларни амалга ошириш;

илмий-техник ва илмий-методик адабиётларни (даврий нашрлар, эълонлар, рисоалар, буклетлар, китоблар, тўпламлар ва бошқа ахборот-маърифий материаллар) тайёрлаш ва нашр қилиш, интенсив (сермахсул) боғ ва узумчилик ҳамда иссиқхона хўжаликлари соҳасида видеороликлар ва тақдимот материалларини тайёрлашга сарфланган харажатларни молиялаштириш;

жаҳон андозаларига мос, юқори ҳосилли мева ва узум кўчатларининг оналик майдонлари, коллекция участкалари ҳамда кўчатхоналарни барпо қилиш;

бино ва иншоотларни таъмирлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда жорий сақлаш харажатларини молиялаштириш;

тижорат банкларига кредит ресурсларини жойлаштириш;

байрам тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, вакиллик харажатлари ва совғалар харид қилиш;

интенсив (сермахсул) мевали боғ ва узумзорларни барпо этиш мақсадида техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш;

сертификатланган, соғлом мевали ва узум кўчатларини этиштирадиган “In-vitro” лабораторияларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига асосан харажатларни молиялаштириш (қоплаш), шунингдек, Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар делегацияларининг ташрифларини ташкил этиш ва молиялаштириш;

маҳаллий ва хорижий илмий муассасалар, илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий таълим ташкилотлари ҳамда бошқа юридик шахсларни шартнома асосида жалб қилиш;

Агентлик ҳузуридаги идоравий мансуб ташкилотлар ёки унинг таъсисчилигида ташкил этилган корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш ва улар томонидан интенсив (сермахсул) боғларни барпо қилиш;

Агентлик томонидан ўз тизимида ташкил этиладиган ташкилот ва корхоналар билан қонунчиликда белгиланган тартибда тузиладиган шартномалар асосида улар томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар) учун тўловларни амалга ошириш;

соҳага доир рақамлаштириш ишларини амалга ошириш, ахборот тизимларини жорий қилиш, уларни юритиш ва техник қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат хужжатларига асосан “Дўстлик боғлари”ни барпо этиш;

судда жавобгар сифатида тўланадиган давлат божи ҳамда бошқа тадбирларни ўтказиш учун ҳам сарфланиши мумкин.

5. Жамғарма маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Агентлик директори:

Жамғарма маблағларини ушбу Низомга ҳамда Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тасарруф этади ва унинг маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши учун жавоб беради;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган товарларни (ишлар ва хизматлар) харид қилиш учун шартномаларни тузади;

Жамғарма томонидан молиялаштирилган маблағлар бўйича, шу жумладан, шартнома шартларига қўшимча киритиш, тўлдириш, амал қилиш муддатини ўзгартириш (узайтириш) бўйича қарорларни қабул қилади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисоби юритилишини, Жамғарма маблағларидан ушбу маблағларни олувчилар томонидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш мониторингини таъминлайди;

ўз ваколати доирасида бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш, назорат қилиш ва жавобгарлик**

7. Агентлик ҳар бир йўналиш бўйича Жамғарма маблағлари тушуми ва ҳаракатининг алоҳида ҳисобини юритади.

8. Агентлик директори ва бош ҳисобчиси Жамғармага келиб тушган маблағлар ва уларнинг сарфланишига оид бухгалтерлик ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишни тўғри олиб боришга жавобгардир.

9. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига чораклик ва йиллик ҳисоботларни белгиланган шакллар ва муддатларда тақдим қилиб боради.

10. Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиш ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Жамғарма маблағлари ҳисобидан бошқа давлат идора ва ташкилотларининг (Агентлик тизимига кирмайдиган) жамғармаларини ҳамда харажатларини молиялаштириш тақиқланади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

12. Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назорат Давлат молиявий назорат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

13. Ушбу Низом талабларини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
3-илова

## Республика ҳудудларида саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ҳудудларида туман (шаҳар) ҳокимликлари захирасида бўш турган, шунингдек, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ижара ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларида саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш тартибини белгилайди.

#### 2. Ушбу Низом талаблари:

туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасида бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига;

фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларидаги иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар жойлашган ер участкаларига, паст ҳосилли пахта ва ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган, шунингдек, тоғолди ва қир-адирликлардаги ер участкаларига татбиқ этилади.

#### 3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

**захирадаги ер участкаси** – туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасида бўш турган ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги номига давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси;

**ижарачилар** – фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ижара ҳуқуқи асосида берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан фойдаланувчилар;

**лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари** (кейинги ўринларда – ТИА) – саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш мақсадида ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳаси, кўчатларни экиш схемаси ва нави, суғориш технологияси, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар ва уларни ўзлаштириш муддатлари ҳамда техник шартларни асослаб берувчи лойиҳаолди ҳужжати;

**саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар** – 10 гектар ва ундан ортиқ ер участкасида интенсив (сермахсул) кўчатлар (пакана ва яримпакана) ва пайвандтаглардан етиштирилган кўчатларни зич экиш схемасида ресурс-тежамкор агротехнологик тадбирлар асосида барпо этилган ҳамда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган мевали боғ ва токзорлар;

**талабгор** – туман (шаҳар) ҳокимлиги захирасида бўш турган ёки фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш истагини билдирган юридик шахслар;

**техник шарт** (кейинги ўринларда – ТШ) – саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этишда кўчат экиш схемаси, кўчатни кафолатланган нави, суғориш тизими ва бошқа шартларни белгилаб берувчи техник талаблар.

4. Саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш**

### **1-§. Захирадаги ер участкаларида саноатлашган янги интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш**

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳар йили 1 июнга қадар (заруратга кўра йилнинг бошқа даврларида) саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш учун захирадаги ер участкалари ҳудудий манзилли рўйхатини шакллантириб, тасдиқланган ҳолда Агентликка қуйидаги маълумотлар билан тақдим этади:

ер участкасининг харитаси (координатали нуқталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема);

ер участкасининг жойлашган жойи (географик координаталари);

ер участкасининг умумий майдони, тоифаси ва тури (амалдаги ҳолат бўйича);

бўш турган ер участкалари бўйича давлат мулки сифатида туман ҳокимлиги номига давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида реестрдан кўчирма;

ер участкасининг тупроғи тўғрисидаги маълумотлар (типи, таркиби, сифати ва унумдорлиги);

ер участкасининг сув билан таъминланганлик даражаси бўйича хулоса (ер ости сувлари);

ер участкасининг кадастр рақами, контурлари сони ва рақами;

ҳудуднинг беш йиллик об-ҳаво таҳлили;

ер участкасида экиладиган ўтмишдош бўлган ёки мева ва ток навлари бўйича ҳудудий илмий-тадқиқот институтларининг илмий тавсияси (мавжуд бўлганда).

6. Агентлик ҳар йили 25 июнга қадар ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ:

киритилган таклифларни умумлаштиради, таҳлил қилади ва зарур ҳолларда жойига чиққан ҳолда ўрганади;

киритилган таклифларда ушбу Низомнинг 5-банди талаблари асосида маълумотлар илова қилинмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда, ушбу ер участкасини манзилли рўйхатдан чиқаради;

саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиладиган республика манзилли рўйхатини шакллантиради ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигига юборади.

7. Келишилган республика манзилли рўйхати тасдиқлаш учун ҳар йили 1 июлга қадар Агентлик томонидан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Келгуси йил учун ҳудудларда саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларнинг республика манзилли рўйхати ҳар йили 20 июлга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

8. Агентлик ҳар йили 1 августга қадар тасдиқланган республика манзилли рўйхатига киритилган ер участкаларида ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, мева ва узум навларини инобатга олиб, 10 гектар ва ундан ортиқ бўлган массивларга (лотлар) бўлган ҳолда саноатлашган янги интенсив боғ ва токзорлар лойиҳаларининг ТИАни ишлаб чиқади.

9. Талабгорларни аниқлаш учун саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар лойиҳалари (лотлар) тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 15 августга қадар Агентлик ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

10. Талабгорлар ҳар йили 1 сентябрга қадар саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича электрон ёки ёзма равишда ариза билан Агентликка мурожаат қилади.

Аризада куйидаги маълумотлар илова қилинади:

танланган лойиҳа юзасидан бизнес-режаси;

талабгорнинг мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағи тўғрисида маълумот;

яроқли қишлоқ хўжалиги ва махсус техникаси тўғрисида маълумот.

11. Талабгорларнинг аризалари Агентлик томонидан 10 иш куни ичида кўриб чиқилади ҳамда талабгорни танлаш бўйича баённома расмийлаштирилади.

12. Агентлик 10 сентябрга қадар саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар лойиҳалари ҳамда танлаб олинган талабгорлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигига вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) киритади.

13. Агентлик томонидан танлаб олинган талабгорларга захирадаги ер участкаларини ажратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда ҳар йили 25 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

14. Саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш учун танланган талабгорларга захирадаги ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддасида белгиланган тартибда ҳар йили 10 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан ажратиб берилади.

Бунда инвестиция лойиҳасининг қиймати 10 миллион АҚШ долларидан кам бўлишига, энг яхши таклифни танлаш бўйича танлов ўтказилмаслигига, олдиндан махсус ҳисобвараққа пул жойлаштирмасдан ҳамда ер участкаларининг аниқ рўйхатини ер ижараси шартномаларида белгилаш шarti билан ер участкаларини реализация қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилади.

15. Агентлик томонидан ишлаб чиқилган ТИАга мувофиқ Агентлик ва талабгор ўртасида лойиҳани амалга ошириш бўйича шартнома тузилади.

ТИА ишлаб чиқилганлиги учун ҳар бир гектар ер майдонига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридан бир марталик тўлов талабгор томонидан Агентлик ҳузуридаги Агроекономика ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) тўланади.

16. Агентлик ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳар чорак якунида лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан мониторинг ўтказиб боради.

17. Талабгор томонидан ер участкаси ижарага олингандан бошлаб лойиҳанинг ТИАда белгиланган суғориш тизимларини жорий этиш ва ер майдонларини экишга тайёрлаш, кўчат экиш ишлари кўпи билан 14 ой муддатда тўлиқ бажарилмаганда, ер участкасининг ижара шартномаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

## **2-§. Фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш**

18. Ижарачиларнинг фойдаланишида бўлган ер участкаларида саноатлашган янги интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш Агентлик томонидан ишлаб чиқиладиган ТИА ёки ТШга мувофиқ ижарачилар томонидан амалга оширилади.

19. Ижрачилар ҳар йили 1 июлга қадар (заруратга кўра йилнинг бошқа даврларида) иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар, паст ҳосилли пахта ва ғалла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган, шунингдек, тоғ олди ва қир-адирликлардаги ер участкаларида саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ижарага берилган ер участкасининг ихтисослиги (сабзаотчилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, пахтачилик ва ғаллачилик ҳамда бошқалар);

ер участкасининг харитаси (координатали нуқталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема);

ер участкасининг умумий майдони, тоифаси ва тури (амалдаги ҳолат бўйича);

ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирма;

ер участкасининг тупроғи тўғрисидаги маълумотлар (типи, таркиби, сифати ва унумдорлиги);

ер участкасининг сув билан таъминланганлик даражаси бўйича хулоса (ер ости сувлари);

ҳудуднинг беш йиллик об-ҳаво таҳлили;

ер участкасида экиладиган ўтмишдош бўлган ёки мева ва ток навлари бўйича ҳудудий илмий-тадқиқот институтларининг илмий тавсияси (мавжуд бўлганда).

20. Туман (шаҳар) ҳокимликлари келиб тушган мурожаатларни ҳар йили 20 июлга қадар (йилнинг бошқа даврларида келиб тушган мурожаатларни 15 кун муддатда) ўрганиб чиқади ва мақуллашган таклифларни Агентликка тақдим этади.

Бунда саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этилаётган ер участкалари боғдорчилик ёки узумчиликка ихтисослашмаган ер участкаларида жойлашган тақдирда, ишлаб чиқилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан киритилади.

21. Келиб тушган таклифлар Агентликнинг туман (шаҳар) лойиҳа офиси томонидан 10 иш куни ичида ижарачи иштирокида жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқилади.

22. Агентлик томонидан мақуллашган таклифлар бўйича:

ижарачининг ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этиладиган саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар учун 5 иш куни ичида ижарачига ТШ берилади, ТШ ишлаб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ташкил этиладиган саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар учун ТИА ишлаб чиқилиб, 15 иш куни ичида ижарачига тақдим этилади. ТИА учун тўлов миқдори ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ белгиланади.

23. Ижрачилар томонидан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳисобидан майдони 1 гектар ва ундан юқори бўлган саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиш лойиҳаси учун ТИА мавжуд бўлганда ҳамда Агентлик томонидан ижобий хулоса берилганда лойиҳани амалга оширишга рухсат этилади.

Бунда ижарачи томонидан ТИАни ишлаб чиқиш бўйича бошқа хўжалик юритувчи субъектлар танланиши мумкин.

24. Ижарачи барпо этиладиган саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларга замонавий сув тежовчи технологияларни 14 ой муддатда ўрнатиш мажбуриятини олади.

25. Ижарачи томонидан саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларнинг барпо этилиши ва агротехник тадбирларнинг бажарилиши юзасидан Агентлик ҳар чорак якунида мониторинг ўтказиб боради.

### **3-§. Саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни “тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида ташаббускорларга бериш**

26. Агентлик томонидан саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни “тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида барпо этиладиган ер участкалари рўйхати ҳар йили 1 августга қадар ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатдан танлаб олинади.

27. Агентлик ҳар йили 5 августга қадар “тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида барпо этиладиган ер участкалари рўйхатини Вазирликка киритади.

28. Вазирлик ҳар йили 20 августга қадар Агентликка саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни “тайёр ҳолда барпо этиш” учун ер участкаларни ижара ҳуқуқи асосида ажратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

29. “Тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорлар барпо этиладиган ер участкалари ҳар йили 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 24-моддасида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан Агентликка ажратиб берилади.

30. Агентлик ҳар йили 10 сентябрга қадар ажратилган ер участкаларида ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, мева ва узум навларини инобатга олиб, 10 гектардан кам бўлмаган ва массивларга (лотларга) бўлинган ҳолда “тайёр ҳолда барпо этиш” лойиҳа ТИАни ишлаб чиқади.

31. Агентлик ишлаб чиқилган ТИАга асосан саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни “тайёр ҳолда барпо этиш” буюртмасини амалга ошириш учун “Agrosanoat innovatorlari” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ) билан шартнома тузади.

32. “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ томонидан “тайёр ҳолда барпо этиш” лойиҳаларини амалга ошириш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан ёки қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Агентлик ҳузуридаги Жамғармадан “тайёр ҳолда барпо этиш” учун ажратилган маблағлар ва бўш турган қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖни олдиндан молиялаштиради.

33. “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ томонидан саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорлар ТИАга асосан барпо этилади ҳамда 3 йил давомида парвариш қилинади ва Агентликка далолатнома билан топширилади.

34. “Тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида ташкил этилган саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорлар ташаббускорларга бир йўла тўлиқ миқдорда тўлаш ёки олдиндан боғ қийматининг 10 фоизини тўлаш шarti билан 7 йил муддатгача лизинг (ёки банк кредити) асосида электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотилади.

35. Электрон онлайн-аукцион савдолари Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “Е-аукцион” платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ташкил этилади.

#### **4-§. Захирадаги ер участкаларини Агентликка тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида ажратиш ва ушбу ер участкаларини қайта ижарага бериш**

36. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳар йили 1 февралга қадар ижара ҳуқуқи асосида бериладиган захирадаги ер участкалари рўйхатини Агентликка тақдим этади.

37. Агентлик ҳар йили 10 февралга қадар ўзига тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер участкалари рўйхатини Вазирликка киритади.

38. Вазирлик ҳар йили 25 февралга қадар Агентликка ер участкаларини тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида ажратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

39. Ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддасида белгиланган тартибда ҳар йили 1 апрелга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан Агентликка ажратиб берилади.

40. Агентлик бир ой муддатда ўзига тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида ҳудудларнинг ихтисослашуви ҳамда тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, мева ва узум навларини инобатга олиб 10 гектардан кам бўлмаган ва массивларга (лотларга) бўлган ҳолда, саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиш лойиҳалари ТИАни ишлаб чиқади.

41. Агентликка тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкасида саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар лойиҳаларини амалга оширадиган талабгорларни аниқлаш учун ер участкаси ва лойиҳа тўғрисидаги маълумотларни Агентлик расмий веб-сайтида эълон қилади.

42. Талабгорлар томонидан саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича электрон ёки ёзма равишда Агентликка ариза билан мурожаат қилади.

43. Талабгорларнинг аризалари Агентлик томонидан 10 кун муддатда ўрганиб чиқилади ҳамда талабгорларни танлаш бўйича баённома расмийлаштирилади.

44. Агентлик ва талабгор ўртасида ишлаб чиқилган ТИАга мувофиқ лойиҳани амалга ошириш бўйича шартнома имзоланади. ТИА учун тўлов миқдори ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ белгиланади.

45. Агентлик ўзига тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан ажратилган ер участкаларини саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиш учун талабгорга қайта ижарага беради.

Бунда ер участкаси ҳамда ушбу ер участкаси бўйича Агентликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ундан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда талабгорга ўтказилади.

46. Агентлик ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳар чорак якуни билан лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан мониторинг ўтказиб боради.

47. Талабгор томонидан ер участкаси ижарага олингандан бошлаб лойиҳанинг ТИАда белгиланган суғориш тизимларини жорий этиш ва ер майдонларини экишга тайёрлаш, кўчат экиш ишлари кўпи билан 14 ой муддатда тўлиқ бажарилмаганда, ер участкасининг ижара шартномаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

#### **5-§. Ўзбекистон Республикасига кўшни ва ҳамкор давлатларда ҳамда республика ҳудудида “Дўстлик боғлари”ни ташкил этиш тартиби**

48. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат топшириқларига асосан кўшни ва ҳамкор давлатларда ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Дўстлик боғлари” ташкил этилиши мумкин.

49. “Дўстлик боғи”ни ташкил этиш Агентлик ҳузуридаги “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ томонидан амалга оширилади. Бунда:

“Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ устав капиталини шакллантириш ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, янги боғларни барпо этиш, парваришлаш, сақлаш, масъуллар, ишчи-ходимларнинг хизмат сафарлари ва уларнинг иш ҳақи ҳамда бошқа тадбирлар билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига;

янги боғлар барпо этиш учун амалга ошириладиган харажатларни қисқартириш, маблағларни тежаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида айрим маҳсулотларни (товарлар ва хизматлар) хорижий давлат қонунчилигига мувофиқ хориж ҳудудида харид қилишга Вазирлар Маҳкамаси томонидан рухсат берилади.

50. Ташкил этилган “Дўстлик боғи” қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига кўшни ва ҳамкор давлатларга беғараз топширилиши мумкин.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

51. Ушбу Низом талабларини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

52. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Республика ҳудудларида саноатлашган  
янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни  
барпо этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

## Республика ҳудудларида саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни барпо этиш тартиби СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
<b>I. Захирадаги ер участкаларида саноатлашган интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш тартиб-таомиллари</b>			
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари	1. Саноатлашган интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларни барпо этиш учун захирадаги ер участкалари ҳудудий манзилли рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди. 2. Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатни Агросаноатни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) юборади.	Ҳар йили 1 июнгача
2-босқич	Агентлик	1. Киритилган таклифларни умумлаштиради ва жойига чиққан ҳолда ўрганади. 2. Республика манзилли рўйхатини келишиш учун вазирлик ва идораларга юборади. 3. Келишилган республика манзилли рўйхатини тасдиқлашга учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.	Ҳар йили 25 июнгача Ҳар йили 1 июлгача
	Вазирлар Маҳкамаси	Келгуси йил учун ҳудудларда саноатлашган интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорларнинг республика манзилли рўйхатини тасдиқлайди.	Ҳар йили 20 июлгача
	Агентлик	1. Тасдиқланган манзилли рўйхатдаги ер участкаларида саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорлар ТИАни ишлаб чиқади. 2. Саноатлашган янги интенсив (сермаҳсул) боғ ва токзорлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг ва туман (шаҳар) ҳокимликлари расмий веб-сайтларида эълон қилади.	Ҳар йили 1 августгача Ҳар йили 15 августгача
3-босқич	Юридик шахслар (Талабгорлар)	Саноатлашган интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича электрон ёки ёзма равишда ариза билан Агентликка мурожаат қилади.	Ҳар йили 1 сентябргача
4-босқич	Агентлик	1. Аризаларини кўриб чиқади ва талабгорни танлаш бўйича баённома расмийлаштиради. 2. Талабгорлар тўғрисида маълумотларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритади.	10 иш куни ичида Ҳар йили 10 сентябргача
5-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Танлаб олинган талабгорларга захирадаги ер участкаларини ажратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.	Ҳар йили 25 сентябргача
	Вазирлар Маҳкамаси	Талабгорларга захирадаги ер участкаларини тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан ажратиб бериш бўйича тегишли қарор қабул қилади.	Ҳар йили 10 октябргача

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
6-босқич	Агентлик	1. ТИАга мувофиқ талабгор билан лойиҳани амалга ошириш учун шартнома тузади. 2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари билан лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан мониторинг ўтказиб боради.	Талабгорлар тақлифига асосан Ҳар чорак якунида

**II. Фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкаларида саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш тартиб-таомили**

1-босқич	Фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти (Ижарачи)	Саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига ёзма ёки электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади.	Ҳар йили 1 июлгача
2-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Мурожаатларни ўрганиб чиқади ҳамда маъқулланган тақлифларни Агентликка тақдим этади.	Ҳар йили 20 июлгача
	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Ер участкалари боғдорчилик ёки узумчиликка ихтисослашмаган ер участкаларида жойлашган тақдирда, ишлаб чиқилган тақлифларни Агентликка тақдим этади.	
3-босқич	Агентликнинг туман (шаҳар) лойиҳа офиси	Ижарачи иштирокида жойига чиққан ҳолда лойиҳа тақлифини ўрганиб чиқади.	10 иш куни
	Агентлик	Саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар учун ТИА ёки ТШ ишлаб чиқади.	5 иш куни ичида
4-босқич	Ижарачи	Саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни ташкил этади ҳамда ушбу майдонларга замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этади.	14 ой муддатда
5-босқич	Агентлик	Ижарачи томонидан саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этилиши ва агротехник тадбирларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказиб боради.	Ҳар чорак якунида

**III. Саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни “тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида ташаббускорларга бериш тартиби таомили**

1-босқич	Агентлик	1. Агентлик томонидан “тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида барпо этиладиган ер участкалари рўйхати тасдиқланган манзилли рўйхатдан танлаб олади. 2. “Тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида барпо этиладиган ер участкалари рўйхатини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритади.	Ҳар йили 1 августгача Ҳар йили 5 августгача
	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.	Ҳар йили 20 августгача
2-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Захирадаги ер участкаларини тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан Агентликка ажратиб бериш бўйича қарор қабул қилади.	Ҳар йили 1 сентябргача

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
3-босқич	Агентлик	1. Ер участкаларида “тайёр ҳолда барпо этиш” лойиха ТИАларини ишлаб чиқади. 2. “Тайёр ҳолда барпо этиш” буюртмасини амалга ошириш учун “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ билан шартнома тузади.	Ҳар йили 10 сентябрғача
4-босқич	“Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ	1. “Тайёр ҳолда барпо этиш” лойиҳаларини амалга ошириш харажатларини Жамғарма ёки бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширади. 2. Саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар ТИАга асосан барпо этилади ҳамда 3 йил давомида парвариш қилинади ва Агентликка далолатнома билан топширади.	3 йил давомида
5-босқич	Агентлик	“Тайёр ҳолда барпо этиш” тамойили асосида ташкил этилган саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар ташаббускорларга электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотилади.	Белгиланган муддатларда
<b>IV. Захирадаги ер участкаларини Агентликка ижара ҳуқуқи асосида ажратиш ва ушбу ер участкаларини қайта ижарага бериш тартиб-таомили</b>			
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари	Ижара ҳуқуқи асосида бериладиган захирадаги ер участкалари рўйхатини Агентликка тақдим этади.	Ҳар йили 1 февралғача
2-босқич	Агентлик	Ижара ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер участкалари рўйхатини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига киритади.	Ҳар йили 10 февралғача
	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Агентликка ер участкаларини тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи асосида ажратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.	Ҳар йили 25 февралғача
3-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Ер участкаларини белгиланган тартибда тўғридан-тўғри ижара ҳуқуқи билан Агентликка ажратиш бўйича қарор қабул қилади.	Ҳар йили 1 апрелғача
4-босқич	Агентлик	1. Саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар лойиҳаларининг ТИАни ишлаб чиқади. 2. Лойиҳа тўғрисидаги маълумотларни Агентлик расмий веб-сайтида эълон қилади.	Бир ой муддатда
5-босқич	Талабгор	Саноатлашган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича электрон ёки ёзма равишда Агентликка ариза билан мурожаат қилади.	Белгиланган муддатда
	Агентлик	1. Талабгорларнинг аризаларини ўрганиб чиқади ва баённома расмийлаштирилади. 2. ТИАга мувофиқ лойиҳани амалга ошириш бўйича шартнома имзоланади. 3. Агентликка ижарага ажратилган ер участкаларини саноатлашган янги интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиш учун талабгорга қайта ижарага беради. 4. Лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказиб боради.	10 иш куни ичида  Талабгорлар тақлифига асосан Ҳар чорак якунида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
4-илова

**Республикада янги боғларни барпо этишни  
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги  
Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни  
ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси  
кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари орқали  
молиялаштириш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан тижорат банклари орқали республикада янги боғ ва узумзорларни барпо этиш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини замонавий саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит ажратиш шартлари ва тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**лойиҳалар** – янги боғ ва узумзорларни барпо этиш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини замонавий саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳалари;

**молиявий ресурслар** – Агентлик томонидан тижорат банкларига лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлар;

**тижорат банки** – Агентлик билан молиявий ресурслар жойлаштириш бўйича бош келишув тузган тижорат банки;

**кредит олувчи** – лойиҳаларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти.

**2-боб. Тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш**

3. Тижорат банклари Жамғармадан молиявий ресурслар олиш учун Агентлик билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бош келишув тузади.

Бош келишувни тузиш учун тижорат банки ўз бошқарув органи (бошқарув аъзолари, кузатув кенгаши ёки акциядорлик умумий йиғилиши) томонидан тасдиқланган бош келишув тузиш тўғрисидаги қарор ёки бош келишув тузиш ваколатини берувчи бошқа ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда Агентликка мурожаат қилади.

4. Агентлик тижорат банкларининг мурожаатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан молиявий ресурсларни жойлаштиради.

5. Жамғарма томонидан тижорат банкларига фақатгина лойиҳаларни молиялаштириш учун миллий валютада молиявий ресурслар тақдим этилади.

### **3-боб. Тижорат банклари томонидан кредитларни ажратиш шартлари**

6. Лойиҳаларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига тижорат банки томонидан кредит маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан тижорат банки маржаси 4 фоиз) миллий валютада 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратилади.

Бунда кредит олувчининг лойиҳаси амалга ошириладиган ер майдони бўйича Агентлик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси (кейинги ўринларда – ТИА) ва унда белгиланган муддатлар кредит портфелига илова қилиниши шарт.

Кредит маблағлари кредит олувчига:

биринчи босқичда – ер майдонини экишга тайёрлаш учун имтиёзли кредитнинг 10 фоизигача миқдорда;

иккинчи босқичда – кўчат сотиб олиш ва экиш харажатларига имтиёзли кредитнинг 40 фоизигача миқдорда;

учинчи босқичда – суғориш тизимларини ўрнатиш харажатларига имтиёзли кредитнинг 30 фоизигача миқдорда;

тўртинчи босқичда – боғ ҳосилга киргунга қадар 3 йил парваришлаш харажатларига имтиёзли кредитнинг 20 фоизи миқдорида ажратилади.

Бунда янги боғ ва узумзорларни барпо этиш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини замонавий саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш бўйича лойиҳанинг ТИАда кўзда тутилган ер майдонига мутаносиб равишда, аммо 1 гектарга кўпи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ошмаган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилади.

### **4-боб. Молиявий ресурсларни олиш учун тижорат банкларидан талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш**

7. Лойиҳалар учун молиявий ресурслар олиш бўйича кредит олувчи томонидан тақдим этилган буюртманомаларини тижорат банклари томонидан кўриб чиқиш, ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Кредит олувчи кредит маблағларини олиш учун тижорат банкларига лойиҳалар ТИА ва ҳужжатларини аризасига илова қилган ҳолда электрон ёки ёзма равишда мурожаат қилади.

Тижорат банклари ариза ва унга илова қилинган ТИА ҳамда ҳужжатларни қабул қилади ва уларни ўрганиб чиқади. Кредит ажратиш ёки рад қилиш бўйича беш иш куни ичида қарор қабул қилади.

9. Тижорат банки молиявий ресурслар олиш учун Агентликка буюртманома ва талабгорлар реестрини бир иш куни ичида юборади.

Буюртманома тўғридан-тўғри, почта алоқа хизмати орқали ёки электрон шаклда ахборот тизимлари, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тижорат банкининг масъул раҳбари имзоси (электрон рақамли имзоси) билан тасдиқланган ҳолатда киритилади.

Тақдим этилган буюртманомадаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига тижорат банки жавобгар ҳисобланади.

10. Агентлик буюртманома ва талабгорлар реестри келиб тушган кундан бошлаб икки иш кунида улардаги маълумотларни текширади. Маълумотлар тўғри бўлган тақдирда ҳамда Жамғармада маблағлар қолдиғи мавжудлигидан келиб чиқиб, тегишли молиявий ресурсларни тижорат банкининг алоҳида очилган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

Тижорат банкларининг буюртманомасини кўриб чиқиш натижалари юзасидан номувофикликлар аниқланганда Агентлик томонидан тижорат банкига молиявий ресурсларни ажратишни рад этиш бўйича билдиришнома берилади.

11. Агентлик томонидан тижорат банкига молиявий ресурслар тақдим этилишини рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

буюртманома ва талабгорлар реестридаги маълумотлар ўзаро мувофиқ келмаслиги;

молиявий ресурслар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилган ташкилот тугатиш босқичида ёки уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўзғатилган ҳолатда.

Бошқа ҳолатларда молиявий ресурслар тақдим этилишини рад этишга йўл қўйилмайди.

12. Тижорат банки буюртманома бўйича рад этиш тўғрисида билдиришнома олганда рад этиш асослари бўйича кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда молиявий ресурслар олиш учун Агентликка қайта буюртманома тақдим этишга ҳақли.

13. Тижорат банки Агентлик томонидан молиявий ресурсларни махсус ҳисобварағига ўтказиб берган кундан бошлаб уч иш кунида кредит олувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштиради.

14. Тижорат банки томонидан кредит олувчилар ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг, тижорат банки икки иш куни ичида молиявий ресурсларни кредит олувчи номига очиладиган 23210 ҳисобварағи ўтказиб беради.

Тижорат банки кредит олувчининг 23210 ҳисобварағига ажратилган молиявий ресурсларни ушбу Низомнинг 6-банди талаблари асосида молиялаштиради.

### **5-боб. Кредитларни тижорат банклари томонидан ажратиш тартиби**

15. Агентликдан келиб тушган маблағлар ҳисобидан ажратиладиган кредит маблағларидан фойдаланиш учун тижорат банклари томонидан кредит олувчиларга 23210 ҳисобварағи очилади.

16. Тижорат банки 23210 ҳисобварағига келиб тушган маблағларни молиялаштириш турларидан фойдаланиш бўйича имзоланган шартномага мувофиқ бир банк иш кунидан кечикмасдан товар (иш, хизмат) етказиб берувчи ташкилотнинг тегишли банк ҳисобварағига ўтказиб берилишини таъминлайди ва буни тасдиқловчи банк ҳужжатларини Агентликка тақдим этади.

17. Тижорат банки томонидан 23210 ҳисобварағига Агентликдан келиб тушган маблағлардан буюртманомада кўрсатилганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

18. Молиявий ресурсларни белгиланган муддатларда Жамғармага қайтарилиши бўйича жавобгарлик тижорат банки зиммасига юклатилади.

19. 23210 ҳисобварағига тушган маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда, Жамғармадан келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган кредитларнинг фоиз тўловлари ва асосий қарз тўловлари сўндирилади.

20. Жамғармадан келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган кредитлар ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари тўлиқ сўндирилгандан сўнг тижорат банки 23210 ҳисобварағида қолган маблағларни кредит олувчининг асосий талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига мемориал ордер билан ўтказилади.

Кредит олувчи ушбу маблағлардан қўшилган қиймат солиғидан ҳосил бўлган қарздорликни тўлиқ сўндиргандан сўнг эркин фойдаланиши мумкин.

### **6-боб. Молиявий ресурсларни ажратиш тартиби**

21. Молиявий ресурслардан фойдаланаётган ташкилотлар ушбу Низомда белгиланган молиялаштириш турлари бўйича олган маблағларини ўз муддатида қайтара олмаган ҳолатларда, молиявий ресурсларни белгиланган муддатларда Жамғарма ҳисобварағига қайтарилиши бўйича жавобгарлик тижорат банки зиммасига юклатилади.

22. Кредит ҳисобварағидан тўловлар кредит олувчининг тўлов топшириқномалари ва электрон тўлов воситалари асосида амалга оширилади.

Тўловлар товар ва хизматлар хариди бўйича расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Бунда харид қилинган товар ва хизматлар қайтарилганда, қайтариладиган маблағлар тўлов амалга оширилган ҳисобварақларга қайтарилади.

23. Жамғарма маблағлари айланадиган ҳисобварақларга инкассо топшириқномалари қўйилишига, шунингдек, уларни ундириб олиш ва тақиқ қўйишга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилмайди.

24. Кредит олувчи томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан олинган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловлари муддатидан олдин сўндирилиши мумкин.

25. Кредитни қайтариш муддати келганда ва уни сўндириш учун кредит олувчининг маблағи етарли бўлмаганда, тижорат банки кредитни сўндиришни қуйидаги таъминот турларига қаратади ва сўндириш чораларини кўради:

суғурта полиси асосида суғурта ташкилотларига суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида мурожаат қилади;

кредит олувчининг мол-мулкларига (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга қаратилмайдиган мол-мулклар бундан мустасно);

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафиллик ёки бошқа таъминот турларига қаратади.

#### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Тижорат банклари олган молиявий ресурсларининг ҳаракати бўйича мониторинг юритади ҳамда ҳар ойнинг ўн олтинчи санасигача ушбу маълумотларни ахборот тизимлари орқали Агентликка тақдим этиб боради.

27. Агентлик ва тижорат банклари ўртасидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Республикада янги боғларни барпо этишни  
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш  
агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш  
ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси  
кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари  
орқали молиялаштириш тўғрисида низомга  
илова

**Янги боғларни барпо этиш ҳамда мева ва узум маҳсулотларини замонавий  
саралаш, қадоқлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳаларига молиявий  
ресурслар олиш бўйича кредит олувчи томонидан тақдим этилган  
буюртманомаларини тижорат банклари томонидан кўриб чиқиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Кредит олувчи	Талабгор тижорат банкларига Агентлик томонидан берилган лойиҳалар ТИАси ва ҳужжатларини аризасига илова қилган ҳолда кредит ажратишни сўраб электрон ёки ёзма равишда муурожаат қилади.	Йил давомида
2-босқич	Тижорат банки	Тижорат банклари ариза ва унга илова қилинган ТИА ҳамда ҳужжатларни қабул қилади ва уларларни ўрганиб чиқади. Кредит ажратиш ёки рад қилиш бўйича қарор қабул қилади.	5 иш куни ичида
3-босқич	Тижорат банки	Тижорат банки молиявий ресурслар олиш учун Агентликка буюртманома ва талабгорлар реестрини юборади.	1 иш куни ичида
4-босқич	Агентлик	Буюртманома ва талабгорлар реестри келиб тушган кундан бошлаб улардаги маълумотларни текширади. Маълумотлар тўғри бўлган тақдирда ҳамда Жамғармада маблағлар қолдиғи мавжудлигидан келиб чиқиб, тегишли молиявий ресурсларни тижорат банкининг алоҳида очилган махсус ҳисобварағига ўтказиб беради. Тижорат банкларининг буюртманомасини кўриб чиқиш натижалари юзасидан номувофиқликлар аниқланганда Агентлик томонидан тижорат банкига молиявий ресурсларни ажратишни рад этиш бўйича билдиришнома берилади.	2 иш куни ичида

5-босқич	Тижорат банки	Тижорат банки Агентлик томонидан молиявий ресурсларни махсус ҳисобварағига ўтказиб берилган кундан бошлаб кредит олувчиларнинг хужжатларини расмийлаштиради.	3 иш куни ичида
6-босқич	Тижорат банки	Кредит олувчилар хужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг тижорат банки молиявий ресурсларни кредит олувчи номига очиладиган 23210 ҳисобварағи ўтказиб беради. Тижорат банки кредит олувчининг 23210 ҳисобварағига ажратилган молиявий ресурсларни ушбу Низомнинг 6-банди талаблари асосида молиялаштиради.	2 иш куни ичида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
5-илова

**Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган  
боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш, шунингдек, уларнинг ўрнида интенсив боғ ва токзорлар барпо қилиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари боғ ёки токзори мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги субъектларига нисбатан татбиқ этилади (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно).

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

**апробация** – ҳосилга кирган мевали боғ ва токзорларнинг ҳосилини олдиндан аниқлаш;

**интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар** – интенсив (сермахсул) кўчатлар (пакана ва яримпакана) ҳамда пайвандтаглардан етиштирилган кўчатларни зич экиш схемасида ресурс-тежамкор агротехнологик тадбирларни амалга ошириш асосида ташкил этилган ва сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган 10 гектардан кичик бўлган мевали боғ;

**иқтисодий жиҳатдан самарасиз боғ ва токзор** – сўнгги 3 йилда ҳар йили олинган даромади сарфланган харажатларни қопламайдиган ва кўчат сони умумий боғ майдонига нисбатан 70 фоиздан кам бўлганлар;

**кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар** – экилган навлар ҳосилдорлиги уларнинг илмий асосланган ҳосилдорлик кўрсаткичидан паст бўлган боғ ёки токзорлар майдони;

**комиссия** – иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш ҳамда улар ўрнида интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулоса берувчи туман (шаҳар) комиссияси;

**яроқсиз боғ ва токзорлар** – маълум бир майдон белгиланиб, иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар деб ҳисобланган, кўчат сони кам бўлган, кучли шикастланган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган дарахтлар, касаллик ва зараркунандалар билан кучли зарарланган, тупроқ-иқлим шароитига, экиш схемасига мос бўлмаган боғ ва токзорлар.

4. Мевали боғ ва токзорларда ҳосил пишиб етилиб, уни териб олишдан 15–20 кун олдин апробация ўтказилади, бунда дарахтнинг битта она шохидаги мевалар сони саналади ва дарахтдаги барча она шохлар ҳисобланиб, унга кўпайтирилади, 1 гектардан ҳар жойдан жами 10 туп дарахт ажратиб олинади ва шу усулда ўрганилиб, олинadиган ҳосил олдиндан аниқланади.

Ҳосилни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\frac{A \times B}{1000} = C,$$

бунда:

A – дарахтдан териб олинган ўртача ҳосил (кг);

B – дарахтлар сони;

C – ҳосил (тонна).

## **2-боб. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш**

5. Қишлоқ хўжалиги субъектларининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларини яроқсиз деб топиш, уларнинг ўрнида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлаштириш агентлиги (кейинги ўринда – Агентлик) билан келишилган ҳолда ҳар йили 1 майга қадар комиссия таркибини шакллантиради.

Комиссия таркибига туман (шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (комиссия раиси), туман (шаҳар) кадастр, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги бўлимларининг вакиллари ҳамда заруратга кўра бошқа шахслар киритилади. Агентликнинг туман (шаҳар) лойиҳа офиси ходими комиссия котиби ҳисобланади.

6. Комиссия яроқсиз деб топиладиган иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғ ёки токзорларни, уларнинг ўрнида барпо этиладиган интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиладиган ерларни аниқлаш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

мавжуд боғ ёки токзорнинг ер майдонлари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори, мавжуд мевали дарахт ёки ток кўчатлари ҳолатини ўрганади ва ҳосилни апробациядан ўтказди;

мевали дарахт ёки ток кўчатларининг тавсия этилган (тавсия мавжуд бўлса) тупроқ-иқлим шароитга мослигини, кўчат тури, нави ва ёши, мавжуд кўчат сони, шундан яроқсиз кўчат сонининг миқдорини таҳлил қилади ҳамда ер эгасининг талабига кўра мевали боғ ва токзорларни апробациядан ўтказди;

ер ижара шартномасига кўра мавжуд боғ ёки токзорнинг ҳар бир контурда жойлашганлигини таҳлил қилади;

сўнги 3 йилликда мева ва узум маҳсулотлари етиштириш ҳажми, қайта ишлашга ёки экспортга чиқарилишини таҳлил қилади;

боғ ва токзорларнинг сув билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилади;

боғ ва токзорларнинг касалланганлиги, касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлов берилганлигини таҳлил қилади.

7. Мавжуд мевали боғ ва токзорлар ҳар йили 5 майга қадар Агентликнинг туман лойиҳа офиси томонидан хатловдан ўтказилади.

Хатлов натижасига кўра боғ ва токзорлари мавжуд қишлоқ хўжалиги субъектлари рўйхати шакллантирилади.

8. Комиссия томонидан ушбу Низомнинг 6-бандига асосан ҳар йили 1 октябрга қадар мевали боғ ва токзорлари мавжуд қишлоқ хўжалиги субъектлари рўйхатида келтирилган боғ ва токзорларнинг ҳолати ўрганилади.

Ўрганиш натижалари бўйича уч нусхада далолатнома тузилади ва ушбу далолатномалар комиссия аъзолари ва қишлоқ хўжалиги субъекти томонидан имзоланади.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан мевали боғ ва токзорларни парваришlash жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар далолатномага илова қилинади.

Далолатноманинг бир нусхаси қишлоқ хўжалиги субъектида, иккинчи нусхаси комиссия котибида, учинчи нусхаси туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимида сақланади.

9. Ўрганиш натижасида иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар юзасидан тузилган далолатнома асосида комиссия томонидан иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш, улар ўрнида интенсив (сермахсул) боғ ва токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулоса (кейинги ўринларда – хулоса) тайёрланади.

10. Тайёрланган хулоса комиссия котиби томонидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар туман (шаҳар) ҳокимлиги, Агентлик ва тегишли қишлоқ хўжалиги субъектига тақдим этиб борилади.

11. Яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар ўрнида интенсив (сермахсул) боғ ва токзор барпо этиш тўғрисида хулоса берилган тақдирда, Агентлик хулоса тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун муддатда қишлоқ хўжалиги субъектига белгиланган тартибда интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш бўйича огоҳлантириш хатини юборади.

Бунда хулоса берилган санадан бошлаб 12 ой давомида интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этилмаган тақдирда ушбу боғ ва токзорлар жойлашган майдонлар учун ер солиғи 3 бараварга оширилади.

Яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ер участкасини ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулоса берилган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участкасини ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш чораларини кўради.

12. Агентлик яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилар кесимида Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасига тегишли ахборот тизимлари орқали тақдим этиб боради.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

13. Яроқсиз боғ ва токзорларни бузиш ҳамда далани дарахт қолдиқларидан тозалаш ишлари билан боғлиқ харажатлар тегишли қишлоқ хўжалиги субъекти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

14. Яроқсиз боғ ва токзорлар ўрнида интенсив (сермахсул) боғ ва токзорлар барпо этиш бўйича юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
6-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 571-сон қарори билан таслиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом 9-бандининг саккизинчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 январдаги 52-сон қарорида:

а) 1-банддаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг “в” кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари”;

в) иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳузуридаги Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан келишган ҳолда бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади”;

5-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари”;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

2 ва 4-босқичларнинг “Тадбирлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

3, 5 ва 6-босқичларнинг “Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги 135-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошисидан “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги,” ва “84 минг гектар ҳамда янги боғ-токзорларнинг қатор ораларига 3 минг гектар, жами” сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 августдаги 548-сон қарори билан тасдиқланган Ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари намунавий низомнинг 9-банди “в” кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган интенсив боғлар ва узумзорлар барпо этиш ҳамда иссиқхона хўжаликлари ташкил этиш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади”;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини жорий этган лимон етиштирувчиларни, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатлар харид қилишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 январдаги 24-сон қарорида:

а) 1-банднинг “а” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан “Жамғарма кенгашининг қишлоқ хўжалиги ташкилотлари –” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

в) 1-иловада:

1-банддаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

9 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10-банднинг еттинчи хатбошисидagi “Жамғарма кенгаши қароридан” сўзлари “Субсидия ажратилиши рад этилишидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

20-банднинг учинчи хатбошисидан “; 3-йилда – 60 фоиз; 4-йилда – 40 фоиз; 5-йилда – 20 фоиз” сўзлари чиқариб ташлансин;

1-иловада:

4-босқичда:

“Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Тадбирлар” устунининг 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Такдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

2. Талабгорларга субсидия ажратиш мақсадида шартнома имзолайди ва талабгорларнинг аризасида кўрсатилган асосий банк ҳисобварағига маблағларни ўтказиши”;  
“Муддатлари” устунидан “Кенгаш қарори қабул қилинган кундан бошлаб” сўзлари чиқариб ташлансин;

“Муддатлари” устунидан “Кенгаш қарори қабул қилинган кундан бошлаб” сўзлари чиқариб ташлансин;

5 ва 6-босқичларнинг “Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Субсидия лойиҳа ташаббускорларига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан ажратилади”;

8-банднинг биринчи хатбошисидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

10-банднинг биринчи хатбошисидаги “Кенгаш Агентлик томонидан” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

12-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидан “Кенгаш томонидан” сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банддаги “Агентлик қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агентликнинг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

номидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-босқич “Чора-тадбирлар” устунининг 2-бандидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-босқичда:

“Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Чора-тадбирлар” устунидан “ва уларнинг субсидия олиш бўйича талабларга мувофиқ бўлган ҳужжатларини тегишлилигича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) навбатдаги йиғилишларда кўриб чиқиш учун киритади” сўзлари чиқариб ташлансин;

3-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси Кенгаши” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-босқичда:

“Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“Чора-тадбирлар” устунидан “Лойиҳа ташаббускорларини Кенгаш томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади ва Кенгаш томонидан субсидия бериш тўғрисида қабул қилинган қарор асосида” сўзлари чиқариб ташлансин;

5-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг “Молиялаштириш манбалари, млн сўм” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг 3-бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги 213-сон қарорига 2-иловасининг 60-позицияси “Масъул ижрочилар” устунидан “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 10 июндаги 327-сон қарорида:

а) 1-бандда:

“а” кичик банддаги “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

иккинчи хатбошидан “учун 6 млн сўм” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи–тўққизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

в) 1-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Боғдорчиликни ривожлантириш жамғармаси)” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг тўртинчи–олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

7-иловада:

“Молиялаштириш манбалари, млн сўм” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва/ёки Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Субсидия хўраки ва кишмишбоп токзорларни барпо этган талабгорга – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан ажратилади.

Бунда, талабгор хўраки ва кишмишбоп ҳамда саноатбоп токзорларни барпо этган бўлса, субсидия пропорционал тарзда экин турига қараб тегишли жамғарма томонидан берилади”;

17-банднинг тўртинчи–олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

5-илова 6-бандининг “Молиялаштириш манбалари, млн сўм” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва/ёки Виночиликни ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг тўртинчи–олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

5-иловадаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш ахборот тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 16 декабрдаги 711-сон қарорида:

а) 5-банддаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермерлари кенгаши” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермерлари кенгашининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

12–14-позицияларининг “Субсидия маблағи ажратилиши учун масъул ташкилот” устунидаги “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши” сўзлари “Ўзбекистон фермерлари кенгаши” сўзлари билан алмаштирилсин;

15–19-позицияларининг “Субсидия маблағи ажратилиши учун масъул ташкилот” устунидаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

20 ва 21-позицияларининг “Субсидия маблағи ажратилиши учун масъул ташкилот” устунидаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги 51-сон қарори билан тасдиқланган 2023–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш миллий дастурининг 34, 37 ва 38-позициялари “Масъуллар” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов)” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (Абдуллаев)” сўзлари билан алмаштирилсин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 августдаги 331-сон қарори билан тасдиқланган Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича техник ишчи гуруҳ таркибининг 6-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Лавозими бўйича –Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директори”;

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Иссиқхона хўжаликлари ва мевасабзавотларни экспорт қилувчи корхоналарнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 27 октябрдаги 567-сон қарорида:

а) 3-банднинг “а” кичик банди биринчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига” ва “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари тегишлича “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” ва “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банднинг еттинчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**12. Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси советкичли сиғимлар уюшмасига аъзо субъектларга кооперация ташкил этган ҳолда, советкичли сиғимларни қуриш ва жиҳозлаш ҳамда қиш ва баҳор ойларида электр энергияси истеъмоли харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 29 ноябрдаги 632-сон қарорида:**

а) 1-иловада:

2-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“тегишли кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатдан кўчирма”;

1-илова 2, 4, 5-босқичларининг “Ижрочилар” устунисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 8-бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин.

**13. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 июлдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқхона хўжаликларига иссиқхоналарни кўмир ёқилғисида иситиш учун кўмир қозонини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:**

а) 1-банддаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” ва “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари тегишлича “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” ва “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илова 2-босқичининг “Тадбирлар” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 10-бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг Туман (Қувасой шаҳар) ишчи гуруҳи аъзолари 5-позициясидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 июлдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг биринчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига” ва “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси” сўзлари тегишлича “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” ва “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илова 1-босқичининг “Чора-тадбирлар” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 10-бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарори билан тасдиқланган Фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари рўйхатининг 41-бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2024 йил 1 августдаги 476-сон қарорида:

а) 1-иловада:

2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг “в” кичик бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

4-банддаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова 3 ва 5-босқичларининг “Субъектлар” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловада:

4-позициянинг “Лавозими” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-позициянинг “Лавозими” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-банднинг бешинчи хатбошисидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг (кейинги ўринларда–Агентлик) Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 5-бандидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова 3-босқичининг “Субъектлар” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илова 5-позициясининг “Лавозими” устунидаги “Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг” сўзлари “Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 23 ” апрелдаги 255-сон қарорига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон қарорига илованинг 7-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 19 декабрдаги 1012-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 февралдаги ПҚ–4610-сон қарори)” 2020 йил 18 майдаги 289-сон қарорига илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 24 августдаги 501-сон қарорига 2-илованинг 3-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 11 майдаги ПҚ–4709-сон қарори)” 2020 йил 15 декабрдаги 787-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорига 2-илованинг 1-банди ва 3-илованинг 4-банди.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарорининг 3-банди ва қарорга 2-илова.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 24 февралдаги ПҚ–5006-сон қарори)” 2021 йил 29 ноябрдаги 721-сон қарорига илованинг 6-банди.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ–4821-сон қарори)” 2021 йил 21 декабрдаги 766-сон қарорига 1-илованинг 15-банди.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 752-банди.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ–20-сон ҳамда “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 декабрдаги ПҚ–58-сон қарорлари)” 2022 йил 6 майдаги 238-сон қарорига илованинг 1-банди.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона божларидан озод қилинадиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, хомашё ва материаллар, тиббий буюмлар ва кадоқлаш материаллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 21 сентябрдаги 519-сон қарорига 4-илованинг 4-банди.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг “Яратилган янги иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 декабрдаги 717-сон қарорига 2-илованинг 12-банди.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 11 декабрдаги 653-сон қарорига илованинг 17-банди.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Агросаноат мажмуида давлат назорати тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2025 йил 1 апрелдаги 197-сон қарорига илованинг 12-банди.

